



Imperial College London



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "MODERN PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY: PROBLEMS AND SOLUTIONS"





ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА “ҲАШАРОТ” ЛМГНИНГ АҲАМИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6532764>

Самандарова Гулноз Ярашовна
Бухоро Давлат университети ўқитувчиси

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари мавзу жиҳатдан бой ва серқиррадир. Уларниң шаклланиши ва тугал шаклда қўлланиши бевосита халқниң кундалик турмуши, турли соҳалардаги фаолияти натижасидир. Фольклор намауналари орасида шундай мақолларимиз мавжудки, уларниң шаклланиши учун “ҳашарот” луғавий маъно гуруҳи асос бўлган.

Ҳашаротлар хилма-хил ранги, тана тузилиши ва ҳаёт тарзи билан кишини ҳайратлантиради. Улар қарийб 300 миллион йил давомида яшаб келмоқда. Ҳозир дунё бўйича ҳашаротларнинг 1 миллиондан ортиқ тури маълум бўлиб, улар ер юзининг ҳамма жойида тарқалган²⁵.

Ҳашарот пашша, ари, капалак, чумоли каби майда умуртқасиз бўғин оёқли жониворлар бўлиб, уларни иккига бўлиш мумкин:

1) фойдали ҳашаротлар: ниначи, ўргимчак, ипакқурти, асалари, қорачирилдоқ, чумоли, хонқизи ва б.

2) заарли ҳашаротлар: чаён, канда, қўнғиз, чигиртка, суварак, пашша, чивин, бешиктерватар, капалак ва бошқалар.

Ўзбек халқ мақолларига назар ташланадиган бўлса, ҳашарот номлари асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларида заарли ҳашарот номлари асосида шаклланган мақоллар кўпроқ учрайди. Бунга сабаб ҳашаротларнинг фойдали турларидан кўра заарли турларининг кўплиги бўлса, яна бир сабаб ҳаётда ҳам жамиятга фойдаси тегадиган яхши инсонлардан кўра ўз манфаатини ўйлайдиган ҳамма нарсага бефарқ, лоқайд, атрофдаги кишиларга ҳеч қандай нафи тегмайдиган ёмон кишиларнинг кўплиги бўлса керак.

Ҳаётда шундай инсонлар ҳам борки, улар табиатан жуда содда, самимий, меҳрибон, меҳнаткаш, жамиятга ҳамиша фойдаси тегадиган шахслар. Мақолларда уларниң характер-хусусиятлари чумоли, ари, ўргимчак каби фойдали ҳашаротларнинг мажозий образлари орқали очиб берилган.

“Ари” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари

²⁵ Ўзбекистон ҳашаротлар дунёси. Тошкент. “Ўқитувчи”, 1997, 6-бет.



Ари парда қанотли ҳашаротларнинг йиртқич ва чақадиган бир тури²⁶ бўлиб, бу ҳашарот номи асосида қўйидаги сингари мақоллар шаклланган:

Ари захрини чекмаган бол қадрини билмас.

Ари чақди деб аразлама, боли бор.

Бол бор ерда болари бор.

Яхши чечакка болари қўнар.

Ёмон арида бол бўлмас, сувсиз ерда – тол.

Гул тилаган хор жафосини тортар.

Кимки асал еса, ариси чақар.

Ари захрини чекмаган бол қадрини билмас – Меҳнат қилиб, заҳмат чекмасдан, текин топилган нарса ёки мол – дунёнинг қадрига инсон ҳеч қачон етмайди, меҳнатнинг нони ҳамиша ширин ва қадрли бўлади.

Гул тилаган хор жафосини тортар.

Кимки асал еса, ариси чақар – Ишда, ўқишида ёки умуман ҳаётда яхши ютуқларга эришишни, яхши яшашни истаган инсон аввало унинг заҳмтини, жафосини, машаққатини чексагина ўзи орзу қилганидек ҳаёт кечиради.

Ари чақди деб аразлама, боли бор – Бу билан: “Кундалик муомалада бўлиб турадиган одаминг мабодо сенга бирор аччиқ сўз айтиб қолса ёки бирор ёмонлик қилиб қўйса, бунинг учун аразлаб, ундан бутунлай юз ўгириб кетма. Бугун аччиқ сўз айтган бўлса, эртага ширин сўз ҳам айтар, бугун ёмонлиги теккан бўлса, эртага яхшилиги ҳам тегиб қолар” деган маънода насиҳат қиласидилар²⁷

“Чумоли” лексемаси асосида шаклланган ҳалқ мақоллари

Чумоли тўда-тўда бўлиб бир уяда яшайдиган кичкина ҳашарот; қумурсқа²⁸ бўлиб, қўйидаги сингари ўзбек ҳалқ мақолларининг шаклланиш учун асос бўлган:

Душманинг чумоли бўлса, фил ҳисобла.

Тиришқоқликни чумолидан ўрган,

Дангасаликни қурбақадан.

Чумоли ажали етганда қанот чиқарар.

Чумоли юқ ташир,

Ёмон одам гап ташир.

Чумолининг бир йил йиққани – Туянинг бир ютгани.

Чумолига томчи дарё кўринар.

²⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 1-жилд. А-Р. Москва: Рус тили. 1981, 53-бет

²⁷ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент, 1990, 19-бет.

²⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. А-Р. Москва: Рус тили. 1981, 382-бет.



Чумолининг совғаси – Чигиртканинг оёғи.

Чумоли бирлашса, чаённи йиқар.

Чумоли ажали етганда қанот чиқарар – Бу мақол эртасини ўйламайдиган инсонларга нисбатан ишлатилган. Бирор бир ишни бошлишдан олдин, режа тузмай ҳаракат қилган одам ўша вазиятга тушгандагина чора излайди, лекин бу иши самарасиз кетади.

Чумоли юқ ташир,

Ёмон одам гап ташир – Меҳнаткаш инсон ҳамиша меҳнат билан овора. Ўз ташвиши билан кўча-кўйдаги гапларга, ғийбатларга иши йўқ, ҳамиша эртасининг ғами билан яшайди. Аммо шундай кишилар ҳам борки, бирорни ғийбат қилмасдан, гап ташимасдан яшай олмайдилар. Бу иллат уларнинг ҳаёт тарзига айланган бўлади.

Чумолининг бир йил йиққани – Түяning бир ютгани – Камбағал ўз меҳнати, пешана териси билан йил давомида тежаб-тергаб йиққан бойлигини бой одам бир кунда сарфлаши мумкин. Инсонлар орасидаги ўзаро тенгсизлик ушбу мақолда чумоли ва тия тимсолларида очиб берилган.

“Ўргимчак” лексемаси асосида шакланган ҳалқ мақоллари

Ўргимчак ўзига овқат бўладиган ҳашаротларни тутиш учун тўр ин тўқийдиган бўғин оёқли ҳашарот бўлиб, бу лексема асосида қўйидаги сингари мақоллар вужудга келган:

Ўргимчак ҳам ўз ўйим дейди.

Ўргимчакдек ўрмалама,

Беданадек йўрғалама.

Ўргимчак ҳам ўз ўйим дейди – агар хонадонларнинг шифтига ўргимчак ин курса, ҳалқимиз у хонадоннинг хайр-баракаси учиб кетади, касофат келтиради деб ирим қилишади. Аммо ўргимчак ини қанчалик омонат бўлса ҳам у ўз инини асрашга, ўз ҳаёти учун курашишга ҳаракат қилгани каби инсон яхшими, ёмонми ишга қўл урмасин ўз оиласи, ҳаёти учун ҳаракат қиласи.

Зарарли ҳашарот номлари асосида шакланган ҳалқ мақолларга қўйидагилар мисол бўла олади. “Чивин” лексемаси асосида шакланган ҳалқ мақоллари:

Чивин икки қанотли, узун мўйловли қон сўрувчи майда ҳашарот²⁹ бўлиб, қўйидаги сингари мақолларнинг шаклланишига асос бўлган:

Ажали етмай, чивин ўлмас.

Бол бўлса – чивин, Тўй бўлса – йиғин.

²⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. А-Р. Москва: Рус тили. 1981, 365-бет.



Бургут чивин тутмас.
Икки нор уришса, ўртада чивин ўлар.
Ичиб турган ошимга,
Чивин етди бошимга.
Иши йўқ чивин тутар.
Чивин ҳам анқовнинг оғзини пойлар.
Чивин ҳам ширага қўнар.
Қора чивин киши ўлдирмас,
Кўнгил айнитар.
Чивиннинг чечани ахлатга қўнар.

Бургут чивин тутмас – Ўзбек тилида бургут мағрурлик, баландпарвозлик, чивин эса ифлослик, зааркундандалик рамзи ҳисобланади. Ғурурли, ҳаётда ўз ўрнини билувчи инсон бўлар-бўлмас кишиларга ўзини тенглаштиравермайди, у билан олишиб ўз шаънини ерга урмайди.

Чивин ҳам ширага қўнар – Чивин ҳам меҳнатсиз, мاشаққатсиз, тайёрга айёр бўлиб, нарсанинг сарасига қўнгани каби дангаса, ялқов, текинтомоқ одам ҳам ўзини уринтирмай тайёр ишга, тайёр овқатга ҳамиша ҳозир нозир бўлади.

“Бит” лексемаси асосида шаклланган халқ мақоллари
Битлар қон сўрувчи хашаротлар туркуми. Узунлиги 16 мм, танаси яssi, қанотсиз. Баъзи битларнинг 1 жуфт оддий кўзи бор, кўпчилигига кўз ривожланмаган. Урғочи битлар ўз ҳаёти давомида бир неча ўнтадан 300 тагача сирка (тухум) қўяди³⁰.

Бит одам ёки ҳайвон танасида унинг қонини сўриб яшовчи паразит хашарот³¹ бўлиб, қуидаги сингари мақолларнинг шаклланишига асос бўлган:

Билмаганга бит ўлдириш қийин.
Етим ўғлон ит бўлар,
Ёқаси тўла бит бўлар.
Итдан ёруғлик чиқмас,
Битдан – чориғлик.
Ит аччиғини турнадан олар,
Бит аччиғини – бургадан.
Боланинг эркаси – битнинг сиркаси.
Етимнинг топганини ит ер,
Орқасини - бит.

³⁰ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси . 12 жилдлик, 2-жилд. Тошкент. 2001, 62-бет.

³¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 1-жилд. А-Р. Москва: Рус тили. 1981, 121-бет.



Бўйдоқнинг топганини ит ер,

Елкасини – бит.

Бит – ғамдан, бурга – намдан, пашша – димдан, кана – гўнгдан.

Билмаганга бит ўлдириши қийин – Бит – ўта майда жонзот. Лекин ҳеч ишни эплолмайдиган одам учун энг осон иш ҳам, ҳаттоқи бит ўлдириш ҳам қийин муаммо. Бу эса инсоннинг ҳар ерда қоқилиб, қийин вазиятларга тушишига олиб келади.

Етим ўғлон ит бўлар,

Ёқаси тұла бит бўлар – Етим бола худди ит каби ҳар останада юриб, ҳамманинг юмушини бажарса ҳам қорни ҳеч қачон нонга тўймайди, усти ҳамиша жулдир-ямоқ, кир, ифлос бўлади.

Итдан ёруғлик чиқмас,

Битдан – чориғлик – Ўз ўрнини билмайдиган паст одамдан ҳеч қачон яхшилик кутма. Бундай кишидан на тўғри фикр чиқади, на бирорга ёрдами тегади. Паст одам ҳамиша пасткашлигига боради.

“Бурга” лексемаси асосида шакланган ҳалқ мақоллари

Бургалар қон сўрувчи ҳашаротлар туркуми. Узунлиги 1-6 мм, урғочиси эркагидан йирикроқ. Танаси икки ёндан кучли сиқилганидан ҳайвонларнинг юнги ва пати орасида енгил ва тез ҳаракат қиласиди³². Қуйидаги сингари мақоллар Бурга лексемаси асосида шакланган:

Бурга тутиш учун ҳам бармоқни ҳўллаш керак.

Бургага аччиқ қилиб кўргага ўт қўйма.

Бургани деб пўстинни оловга ташлама.

Бурганинг кўзига игна хари бўлиб, чумоли фил бўлиб кўринар.

Бурга сакрайди, бит йўргалайди.

Бургага аччиқ қилиб кўргага ўт қўйма – Бурга энг майдага жонзотлардан бири. Бирор ишингга аралашсаю, ишинг ўнгидан келмай қолса, у одамга аччиқ қилиб ўз ишингни барбод қилма. Чунки зиёни факт ўзиннга тегади. Бундай вазиятда ақл билан иш тутсанг, мақсадингга эришасан.

Бурганинг кўзига игна хари бўлиб, чумоли фил бўлиб кўринар – Бирор бир ишни бошлашдан қўрқадиган қатъиятсиз, масъулиятсиз киши учун бошламоқчи бўлган иши ҳам қийин, мураккаб кўриниб, бажара олишига кўзи етмайди. Бундай кишилар ҳеч қачон мустақил яшаб, ўз ҳаётларини ўзлари бошқара олмайдилар ва ҳар ерда қоқиладилар.

“Пашша” лексемаси асосида шакланган ҳалқ мақоллари

³² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси . 12 жилдлик, 2-жилд. Тошкент. 2001, 250-бет.



Пашша – ёзда жуда кўпайиб кетадиган қўш парда қанотли ҳашарот³³ бўлиб, қуидаги каби мақолларнинг шаклланашига манба бўлган:

Дард филни пашшадек қилар.

Пашша болга ёпишар.

Пашшанинг маҳмаданаси ахлатга қўнар.

Шакар пашшасиз бўлмас,

Арпа – кесаксиз.

Ё пошшо бузар, ё – пашша.

Үйинг тоза бўлса, пашша қўнмас.

Пашша “ғинг-ғинг” этади,

Марғилонга этади.

Дард филни пашшадек қилар – Одамнинг қаери оғриса, дард чекса, жони ўша ерида бўлади. Ҳар қандай бақувват, ўзига ишонган инсон ҳам бошига бирор бир мушқул иш тушса ёки бирор дардга чалинса, чўкиб, ғамдан сўлиб қолади, ўзини ҳаммадан noctordек сезади.

Пашшанинг маҳмаданаси ахлатга қўнар – Ҳар ишда ўзини ҳаммадан ақлли, билимдон санаб, ҳамма нрсадан хабардор деб билдиған, билса-билмаса ўз фикрини ўтказадиган, маҳмадана, “уриб” енгаверадиган инсонларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

“Қурт” лексемаси асосида шаклланган ҳалқ мақоллари

Қурт узун танасини эгиб-ёзиб ёки жуда кўп оёқлари воситасида судралиб юрадиган умуртқасиз майда жонивор³⁴ бўлиб, бу лексема асосида қуидаги каби мақоллар юзага келган::

Дарахтнинг бўшини қурт ер.

Боссангчувалчанг ҳам қимиirlар.

Ипак қурт – қизларниниг сепи.

Дарахтнинг бўшини қурт ер – Инсон фақат ақли билангина ҳар қандай вазиятдан чиқиб кета олади. Билими мустаҳкам, изланувчан одам ҳар ерда ўз ўрнини топади, ҳурматга сазовор бўлади. Аммо пойдевори мустаҳкам бўлмаган бино бир кунмс бир кун, албатта, қулайди. Билими суст, ўзига ишончи бўлмаган кишигина ҳар соҳада қоқилди. Ундан ҳамма ўз мқсади йўлида фойдаланади.

“Парвона” лексемаси асосида шаклланган ҳалқ мақоллари

³³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 1-жилд. А-Р. Москва: Рус тили. 1981, 581-бет.

³⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. А-Р. Москва: Рус тили. 1981, 623-бет.



Парвона шуъла ёки чироқ атрофида айланувчи тун капалаги³⁵ бўлиб, бу ҳашарот номи асосида қуидаги сингари мақоллар юзага келган:

Парвонанинг ўлгиси келса шам билан ўйнашар.

Парвона - ўз ошиғининг қурбони.

Парвона - ўз ошиғининг қурбони - Қўли етмайдиган чўққини орзу қилиб, беҳуда ҳаракат қилган одам ўз мақсадининг қурбонига айланади. Инсон ҳамиша кейинини ўйлаб ақл билан иш тутмоғи даркор. Йўқса қўли етмас нарсаларга ҳаракат қилиб бор-йўғидан ҳам айрилиб қолиши ҳеч гап эмас.

“Капалак” лексемаси асосида шакланган ҳалқ мақоллари

Капалак икки жуфт ранг-баранг қанотли нозик ҳашарот бўлиб, қуидаги каби мақолларнинг пайдо бўлишига манба бўлган:

Капалак гулни соғинар,

Булбул куйини.

Капалак гулни дейди,

Булбул куйини.

Ясанчоқ мардона бўлмас,

Капалак парвона бўлмас.

Капалак гулни соғинар,

Булбул куйини – Бу билан: “Киши қаерда бўлмасин, ўз уйини, юртини, Ватанини қўмсайди, соғинади”, деган маънода юртнинг, Ватаннинг қадрини билишга, уни ардоқлашга ундаидилар³⁶.

“Чаён” лексемаси асосида шакланган ҳалқ мақоллари

Чаёнлар бу ер юзидағи бўғим оёқтиларнинг энг қадимги туркумидан бўлиб, 5-20 смгача бўлади.

Чаёнлар иссиқ иқлимли мамлакатларда тошлар остида, деворлар орасида ва бошқа пастқам жойларда яшайди. Ҳозирда чаёнларнинг 15 га яқин тури бўлиб, шулардан етти тури Ўрта Осиёда тарқалган³⁷. Бу ҳашарот номи ҳам тубандаги сингари мақолларнинг пайдо бўлишига асос бўлган:

Илондан – илон, чаёндан – чаён.

Чаён чаққан ухлайди,

Қорни оч ухламайди.

Чаён чўкка тушганда,

Ўз нишини ўзига санчар.

Чаённинг заҳри зўр,

³⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 1-жилд. А-Р. Москва: Рус тили. 1981, 572-бет.

³⁶ Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент, 1990, 201-бет.

³⁷ Ўзбекистон ҳашаротлар дунёси. Тошкент. “Ўқитувчи”, 1997, 83-бет.



Илоннинг – ҳайбати.

Чаённинг касби – ниш урмоқ,

Хоҳ душману, хоҳ ўртоқ,

Чақиниб турган чаёндан биқиниб ётган илон ёмон.

Чаённинг касби – чақиш.

Чумоли бирлашса, чаённи йиқар.

Чумоли бирлашса, чаён пўстини йиртар.

Чаённинг заҳри ёмон, чайқовчининг нафси.

Чаёнга тегмасанг, ул сени чақмас,

Чақса ҳам астойдил заҳрини сочмас.

Чаённинг касби – ниши урмоқ,

Хоҳ душману, хоҳ ўртоқ – Чаён чақувчи, ниш санчувчи заҳарли ҳашарот.

Ушбу мақолда чаёнга ўхшаган бировга заҳрини сочмасдан тура олмайдиган, ичи қора, заҳарханда, бировни кўра олмайдиган, дилозор, туҳматчи, бадфеъл инсонлар қораланган.

“Чигиртка” лексемаси асосида шакланган ҳалқ мақоллари

Чигиртка тўғри қанотлилар туркумига мансуб ҳашарот; баъзи турлари қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирувчи³⁸ бўлиб, бу ҳайвон номи асосида ҳам қўйидаги каби мақоллар юзага келган:

Чигиртка экин ейди,

Экмаган текин ейди.

Чигирткалар экин ер,

Экмай-тикмай текин ер.

Чигирткадан қўрқсан экин экмас.

Ниначи, митта, сўна.

АДАБИЁТЛАР:

1. Bozorova G.Z. "Ortiqchalik tamoyilining jahon tilshunosligida o'r ganilishi" Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, vol. 1, no. 9, 2021, pp. 945-951.
2. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. -286 б.
3. Зоҳидов З.Т. Зоология энциклопедияси (Сут эмизувчилар). Т. 1960.
4. Мавлонов О. Зоология. 7-синф учун дарслик. Тошкент, 2005. 180-бет.

³⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. А-Р. Москва: Рус тили. 1981, 365-бет.



5. Соатов Б.А. Мақолларнинг матал ва топишмоқларга муносабати. “ЎТА” . -Тошкент: 1987, 5-сон, 38-40-бетлар.
6. Ўзбекистон ҳашаротлар дунёси. Тошкент. “Ўқитувчи”, 1997.